


Ishonch

Юрт тараққиётий түйлида бирлашайлик!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартаңдан чиқа бошлаган

2022 йил
13 октябрь
пайшанба
№ 125 (4721)

КУН
нафаси



Сирдарё вилояти

Учрашув

ОШКОРА ФИКР – ГАЗЕТА МУНДАРИЖАСИНИ БОЙИТАДИ



«ISHONCH» ВА «ISHONCH-ДОВЕРИЕ» ГАЗЕТАЛАРИ ТАҲРИРИЯТИ ЖАМОАСИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ГАЗЕТХОНЛАР, МАТБУОТ ТАРҔАТУВЧИЛАР, КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН ЮЗМА – ЮЗ МУЛОҚОТДА БЎЛДИ.

Қашқадарё вилояти

Анжуман

Долзарб мавзуда мулокот

11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни арафасида республикамиздаги корхона ва ташкилларда маънавий-маърифий учрашувлар, спорт мусобақалари, тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ишон туманинда 13-ихтиносимлашган давлат умумталим мактабида ҳам «Халқаро ва милий меҳнат стандартлари», «Хотин-қизларнинг меҳнат хукуқлари ҳимояси» мавзуларида ўтказилган анжуман ҳам шу муносабат билан ташкил этилди.

Тадбирда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нижон тумани кенгаши раиси Баҳодир Жовлиев тузилган жа-

шириш бўйича ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши.

«Йўл харитаси»да муносаб мешнат шароитларини таомиллаштиришга қаратилган 50 тадан ортиқ тадбир режалаштирилгани, уларнинг кўшимча имтиёз ва кафолатлар тўғрисида атрофлича мавзумот берди. Сўзга чиқсанлар 2021 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистонда муносаб мешнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган мамлакат дастурин» ва уни 2022-2023 йилларда амалга

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

ошириш бўйича ишлаб чиқилган


оид муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Шундан сўнг меҳмонлар Самарқандаги маданий мерос объектлари ҳамда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан таниши.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Тадбирда истиқболга

Келгуси сонларда ўқинг...



► Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миризбек Коғозистон Республикаси Президенти Кошим Жомарт Ҳоёринин талиғига биноан 12-14 октября кунлари Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Мустақил давлатлар Ҳамдустлиги давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлислиари иштирок этиш учун Коғозистон пойтахти Остонда шаҳрига ташриф буорди.



► Вазирлар Маҳкамасининг «Опера ва балет санъатини тарғиб қилиш ва иктидорли икодкорларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

► Вазирлар Маҳкамасининг «Эмиссиявий қимматли қозғозлар чиқарилшини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал давлат рўйхатидан ўтказилган қимматли қозғозлар чиқарилшини бекор қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш маъмурӣ регламентини тасдилаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

► Самарқандаги «Буюк илак йўли» халқаро туристик мажмусаси Конгресс марказида «C5+1» форматидаги Марказий Осиё давлатлардага қарши курашиб масалаларига бағишланган миңтақавий конференция ўз ишини бошлид. Анжуманда Ўзбекистон, Коғозистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон АҚШдан радиация хавфзиллиги алоқадор ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

► Мальдив Республикаси Ичкӣ ишлар вазири Шайх Имрон Абдулла бошлиғи-гидаги делегация юртимизга ташриф буорди. Делегацияни ўзбекистон Республикаси ичкӣ ишлар вазири Пўлат Бобоҷонов қабул қилди.

► Беларуснинг Витебск вилояти делегацияси Қашқадарё вилояти инвестициялар ва таҳси савдо бошкармаси таклифига биноан Ўзбекистонга келди ва ғузор туманинда «Uzbekistan GTL» суютирилган газ ишлаб чиқарига заводи фаoliyatini bilan taniishi.

► Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – инвестициялар ва таҳси савдо вазири Ҳамшид Ҳўжаев Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашмасидағи Фавқулодда ва мухтор элчиси Тимоти Торлот Билан учрашув ўтказди.

► «Ўзбекипсанот» уюшмасида ташкил этилган шоурумга Финляндиянинг «Helsingin Suomalaisen Yhteiskoulu» (SYK) мактаби битирувчилари ташриф буорди. Уларни ўзбек илакчилиги тарихи ва илқадан тўқилган матолар коллекцияси билан танишириш мақсадидаги экскурсия ташкил этилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

«ШЕРРИЯТ ИБТИДО, ШЕРРИЯТ ОХИР...»
Рауф Ларфи шеъриятига чизгилар

Жавобини кутаётган саволлар



Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиши давлат қўмитаси
ва Андижон вилояти ҳокимлигига!

ДАРАХТКУШЛИК ТОКАЙГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

Избоскан тумани маркази Пойтүф шаҳрида ўтган асрнинг 60-70-йилларида жуда кўплаб чинорлар экилган. Бу азим дарахтларнинг соясидан баҳра олган борки, бугунча «Эккана раҳмат!» дега дуо қиласди.

Яқинда «Пойтүф – Тўрткўй» йўлнинг бир қисми замонавий усулда капитал таъмирга тушди-ю, шу дарахтларга кирон келтирилди. Уларга кўшиб терак ва толлар ҳам кесиб ташланди. Холбуки, Президентнинг тегисли фармони билан манзаралари дарахтларни кесиш таскиланган.

Халқимизда яхши инсон йўл қуради, деган нақл бор. Лекин бу эзгу иш соя-салкин бериб, ҳавонинг мусаффолигини саклаётган яшилика зиён етказиш орқали амалга ошмаслиги керак!

Ҳуш, аҳоли ва атроф-муҳитни асрашга масъул ташкилотлар қаёрга қарайти? Йўлнинг кейинги таъмири ҳам дарахтларни кесиш билан давом этириладими?

Анваржон ҲАЛИМОВ
Избоскан тумани




Олий таълим
вазирлигига!

СИРТҚИ ТАЪЛИМДАГИЛАР МАГИСТРАТУРАДА ҮҚИЙ ОЛАДИМИ?

Ешлагра қулаи шарт-шароитлар яратиш мақсадида юртимизнинг кўплаб олий таълим мусассаларидан сиртқи таълим йўналишлари очилган. Ушбу бўлимда үқиётган талабалар ишлаш имкониятига эга. Бирок шундай ёшларни яна бир савол қизиқтиромодга:

Сиртқи таълимда таҳсил олайтган талабалар келгусида магистратура босқичига ҳужжат топширишлари мумкини?

Диёра РАВШАНОВА



Сирдарё вилояти ҳокимига!

ЯГОНА ХАЛҚ ШОИРИГА ҲУРМАТИНГИЗ ШУМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндан «Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон үй-музейини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бўйича ишлар аллақачон бошланниб кетган.

Шоирининг ўғли Мирза Сулаймоннинг шаҳодат берисича, объектда ишлар жуда суст бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бирни лойиҳа учун ажратилиши керак бўлган

маблағ камлигидир. Чунки бу ишга мутасадди 3 та вариантдан энг камхаржини танлаган.

Айни пайтда шоирнинг ўйида ўғилларидан бирни умр-гузоронлик қиласди. Аввало, бу омлага алоҳида бошпана куриб берилиши керак. Ана шундан кейин шоир хонадонидаги иморатларни ўй-музейга мослаб реконструкция қилиш мумкин бўлади.

Албатта, бундай залворли лойиҳалар ҳар куни қабул қилинавермайди. Қолаверса, бир умр Сирдарёда яшаб ижод қилган халқ шоири ягонаидор. Бу жой келажакда сирдарёлар кеҳ доим қадам ранжида қиласидан масканга айланади. Шоирнинг ўй-музейи ҳам шунга яраша мұхташам ва чиройли бўлиши керак.

Юқорида тилга олинган

қарор бўйича шоир ўй-музейи 2022 йилнинг охиригача очилиши керак. Ҳуш, мутасаддилар уни ўз муддатидаги топширишга улгурисиришади.

Вилоят ҳокимига эса саволимиз шундай: бир умр Сирдарёда яшаб ижод қилган ягона халқ шоирига ҳурматигиз шуми?

Муҳаммадали АХМЕДОВ
Гулистан шаҳри



Қашқадарё
вилояти

Қашқадарё вилояти ҳокимлигига!

ЕМАГАН СОМСАГА ҚАЧОНГАЧА ПУЛ ТЎЛАЙМИЗ?

Бундан икки йил муқаддам Кўкдаданинг кенгликларида, аниқроғи, 172 гектар майдонда узум етишириш бўйича катта умидлар билан иш бошланган эди. Далага Туркиядан келтирилган ток қаламчалари қадалди. «Бегламишсой» кооперацияси ташкил этилди. «Талоқтепа» маҳалласидан ҳам ўттиз нафардан ортиқ киши бу лойиҳага жалб этилди.

«Сизга узумзор қўлиб берамиз. Узумини сотасиз, оиласизга фаровонлик киради. Шундан кейин бу ишни, яны боғонлини оиласиз билан давом этирасиз. Эвазига йиллар мобайнида сизнинг номингизга берилган кредитни банкка қайтарисингиз зарур бўлади», дейиши. Банк, мижоз (яни ахли фуқаро) ва кооперация раҳбари ўртасида уч томонлама шартнома имзоланди.

Аммо буғун Бегламишсой далаарига борсангиз, вазда қилинган интенсив узумзорни эмас, аксинча, куриб қолган ток қаламчалари ва янтоқ босган майдонни кўра-



сиз. Не-не умидлар билан қадалган бетон устунлару томчилаб суғоришга мўлжалланган шланглар ҳам ташландиқ ҳолда ётибди.

Боз устига, фуқароларнинг телефона кредитдан қарздорлик ҳақида SMS хабарлар келиши ёки ишлайдиган фуқароларнинг пластик карталаридан пул маблағларни ечиб олинниши давом этмоқда. Масалан, тумандаги 59-умумий ўтга таълим мактаби ходимлари Оқила Элматова, Лазиз Фаниев, Фарогат Фаниева, Отабек Шодмонов, Баходир Ҳакбердиневнинг пластик картасидан банк кредит учун маблағ ушлаб қолинган. Ҳеч


қаерда ишламайдиган Шоҳиста Холбованинг болалари нафақа пулидан 600 минг сўм кесиб олинган. Бу рўйхатни яна давом этириш мумкин.

Фуқаролар банкдан бирор мақсадда кредит олмоқи бўлса, «Сизнинг номингизда кредит қарздорлиги бор. Пул маблағи беролмаймиз», дейишипти. Бегламишсойга бориб, ўзига ажратилган ерни, узумзорни сўраган фуқаролар ҳам тайинни, коникарли жавоб олишомаяти.

Саволимиз шундай: қаҷонгача емаган сомсага пул тўлаймиз?

Ўқтам БАРОТОВ

Қўқдала тумани, «Талоқтепа» маҳалласи



Самарқанд вилояти транспорт бошқармаси ҳамда
Самарқанд шаҳар ҳокимлигига!

ЧОРРАҲАДАГИ ТАРТИБСИЗЛИККА КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Даҳбед чорраҳаси – Самарқанд шаҳар транспорти ҳаракати тармогининг мухим бўйини, энг гавжум жой. Бу худудда кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, йўллар кенгайтирилди. Пиёдларга қулийлик яратиш мақсадида тунель ҳам қазиляпти. Аммо ҳалиғана бу чорраҳада тартиб ишлайди.

Шуиз ҳам гавжум чорраҳанинг тўрт томони йўналишсиз таксилар куршовида. Йўл ва ёндosh кўчалчаларни мижоз кутаётган таксилар билан

тўла. Бу эса пиёдаларга ҳам, транспорт ҳаракатига ҳам салбий таъсири килади.

Бу мавзу бир неча бор ОАВда кўтарилиди. Лекин мутасадди идоралардан садо йўк.

Наҳотки, йўналишсиз таксиларни чорраҳадан бир чакирим нардида – Сиёб бозори кўпргири атрофидаги автотранспорт воситалари учун мўлжалланган турниш майдончисига кўчиришининг иложи бўлмасади.

Хайрулла ШАМСИЕВ
Самарқанд шаҳри



Сирдарё вилояти ҳокимига!

ЯГОНА ХАЛҚ ШОИРИГА ҲУРМАТИНГИЗ ШУМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндан «Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон үй-музейини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бўйича ишлар аллақачон бошланниб кетган.

Шоирининг ўғли Мирза Сулаймоннинг шаҳодат берисича, объектда ишлар жуда суст бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бирни лойиҳа учун ажратилиши керак бўлган

маблағ камлигидир. Чунки бу ишга мутасадdi 3 та вариантдан энг камхаржини танлаган.

Айни пайтда шоирнинг ўйида ўғилларидан бирни умр-гузоронлик қиласди. Аввало, бу омлага алоҳида бошпана куриб берилиши керак. Ана шундан кейин шоир хонадонидаги иморатларни ўй-музейга мослаб реконструкция қилиш мумкин бўлади.

Албатта, бундай залворли лойиҳалар ҳар куни қабул қилинавермайди. Қолаверса, бир умр Сирдарёда яшаб ижод қилган ягонаидор. Бу жой келажакда сирдарёлар кеҳ доим қадам ранжида қиласидан масканга айланади. Шоирнинг ўй-музейи ҳам шунга ярasha мұхташам ва чиройли бўлиши керак.

Юқорида тилга олинган

қарор бўйича шоир ўй-музейи 2022 йилнинг охиригача очилиши керак. Ҳуш, мутасадdилар уни ўз муддатидаги топширишга улгурисиришади.

Вилоят ҳокимига эса саволимиз шундай: бир умр Сирдарёда яшаб ижод қилган ягона халқ шоирига ҳурматигиз шуми?

Муҳаммадали АХМЕДОВ
Гулистан шаҳри



Халқ таълими вазирлигига!

СИФАТЛИ КЎМИРДАН УМИД ҚИЛСАК БЎЛАДИМИ?

Ҳадемай қиши мавсуми бошланади. Табиийки, олис ҳудудлардаги таълим масканларини иситиш масаласи кун тартибига чиқади. Кўплаб мактаблар табиий газ билан таъминланмаган, улар кўмир ёрдамида иситилади. Аммо мактабларга бериладиган кўмирнинг сифати мутлако талабга жавоб бермайди. Бунга ўтган йили гувоҳ бўлдик.

Бу йил ҳам шу холат тақрорланмайдими? Умуман, қишлоқ мактаблариниң қиши фаслида сифати ва тез ёнувчан кўмир билан таъминлаш қаҷонгача пайсалга солинади?

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»

«Дунё сен билан!»

ёхуд «Қуёш болалари»га қўмак

Ҳилола Тўхтамуродова Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида таваллуд топган. У «Дунё сен билан!» лойиҳасига асос солган бўлиб, «даун» синдроми билан туғилган болаларнинг ҳунар орқали кўл моторикасини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Унинг ҳаётига назар ташласангиз, жуда кўп машақатлар чеккани, аммо матонат билан барчасини енгиги ўтганини кўрасиз. Бугун у 5-6 йил аввал, ҳатто, орзу қилиб ҳам кўргмаган натижаларга эришмоқда. Қўйида Ҳилола-нинг ҳикоясида ана шу ибратли ёҳёт йўли ҳақида сўз боради:

— Менинг болалагим икки қисмдан иборат бўлган. Бирин онам билан, бирин бувим билан боғлиқ.

Уч ёшимда ота-онам ажрашган. Эсимни таниганимда ўзгаришади. Назаримда аввалига ҳаммаси кўнгилдагидек яхши эди. Аммо укамнинг дунёга келиши билан отамнинг феъли ўзгарди. Кун сайн менга нисбатан зуғумларни ортида бошча болалар каби ўйинчоқ ўйнаш, эркалик қилиш, ҳатто, китоб ўқиш ҳам тақиленди. Мактабдан келиб, боғчада ишлаётган онамга ёрдам бергани борардим, ўй юмушларини баҳарни, уқаларимга қарардим. Икки нафар укамнинг ўзғариши, уларга кўз қўлиб, бўйлиш менга юқлатиланди. Барча юмушлар поёнига етиб, кечки соат ўн бирларда, дарс киласман деганимда отам «уҳлаш керак» деб чироқларни ўчирди. Мактабда синфдошларимнинг камситишлари, ўқитувчиларнинг туртиклиари ҳам гўёки мени катта қилиб кўйтадек эди. Ўзимни 9 ёш эмас, 18 ёшдек хис килардим.

Ун икки ёшимда бу меҳрсизликларга чидомлай бувимнига қочиб кетдим. Ҳаёт янгидан бошлиди. Янги мактаб, янги синфдошлар. Фанларни ўзлаштиришим яхши томонга ўзгарди. Энг муҳими, бу ерда ўгай отанинг таёқлари йўқ эди. Кичикилгидан ўрганган хунарим мунҷоқлардан безак ясасни давом этишига бошлидам.

Ҳаммаси яхши кетаётганди. Аммо бир куни мени машина уриб кетди. Бир йил аравачада юрдим, мактабга шу холда қатнадим. Кейинчалик ҳассага та-



яниб бордим. Бироқ оёғимнинг гипси бутифайли қишида совук ўтиб, шифокорлар энди юролмаслигини айтишибди...

Мен эса бир умр шундай қолишини истамас эдим, доимо ҳаракат қилардим. Ва ниҳоят... 2011 йил 11 июнь куни илк қадамиими қайта ташладим. Бу мен учун гўёки қайта туғилиш бўлди. Одамларнинг «оёғи қийшиқ экан», «оқсоқ экан» деган гапларни эштисам-да, аҳамият бермаслика ҳаракат килдим.

2014 йил тибибиёт коллежига, 2018 йил тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига грант асосида ўқишига кирдим. Менда ижтимоий фаолликка бўлди. Гизиқизиш ўйғонди. Зулфия номидаги давлат мукофотига ҳужжат топширдим. Бир эмас, бир неча бор. Ҳар гал турли сабаблар билан қайтаришган: «Ҳужжатларинг тўлиқ эмас, ҳалқаро сертификатларнинг кам, маколаларнинг йўқ...». Ўша пайтда бу гаплардан роса ҳафа бўлғанман. Бироқ, ҳозир уларга раҳмат айтаман.

Негаҳ, шу сабаб Республика хунармандлар уюшмаси атзоси бўлдиди. «Ҳужжатларингда маколалар йўқ экан», дегани учун ижодга ўриндид. Ишонасизми, газета ва журнallарга юборилган маколаларни 48 марта қайтиб келиб, қирқ тўқиқизинчиси чоп этилган. Бу орада ҳалқаро форум ва танловларда иштирок этдим, грантлар ютдим. Илк

лиқда ҳаёт порлайди!» деб номланган кўргазмада қатнаши, болиб бўлдим, 2018 йил Россияда ўқазилган ҳалқаро танловнинг «Энг яхши сувенир» йўналишида 1-уринни кўлга киритдим. Бу барча ютукларимнинг дебочаси бўлди, десам аслу муболаға эмас.

...Ўша кезларда ҳаёлимни бир лойиҳа банд этган эди. Ғоянинг пайдо бўлиши эса болалигим билан боғлиқ эди. Мен 6-7 ёшли қизалок, пайтимда махалламизида бир қиз бор эди. Ёши 16 да. Аммо фикрлар доираси, адашмасам, мен каби, менинг ёшимдиги болалар каби эди. У жуда меҳрибон эди. У кўчада менинг кўрганида кучоқлаб оларди. «Сени жуда яхши кўраман» деди. Кейинчалик у билан яқин дўст бўлиб кетдик. Бирга

Ҳилоланинг сўзларини Дилноза АБДУХАМИДОВА ёзиб олди

ўйнардик, қувнардик. Аммо менинг ёшим улгайган сари тафакур доирар қенгайиб борар, у эса... Кейин мен бувимнига кўчиб кетдим. Аммо уни унумтадим. «Нега шундай?» деган савол доимо менинг кийнаб келарди. Ва бир куни билдимки, у «даун» синдромига қалинган экан... Менинг лойиҳам ана шунда туғилган – «қуёш болалари»га кўмак бераман».

2017 йили «Баркамол авлод маркази»да қизлар учун тўғарак ташкил килдим. Ўша вакти бир аёл келиб, «Менинг ҳам қизимни тўғарагингизга қабул килсангиз. Бироқ у бошқа болаларга ўҳшамайди» деди. Сўнг мендан сўради: «даун синдромига ҳақида эшитганимиз?».

Шу он дугонам ёдимга тушди. Ҳеч иккимасдан «қизингиз келсин» дедим. Ва бу орада мен касаллик тарихи ва жаҳарларини, унга чалинган болалар билан қандай ишлашни ўргана бошладим. У қизалоқ билан 4 ой давомида ишлаганимдан кейин ундағи тасаввурларни ўзгаргани кўзга ташланди. Билдимки, улар нафқат бажара олади, балки, яратади.

Лойиҳамнинг номи шундай пайдо бўйди: «Дунё сен билан!». Ўзим рус ва инглиз тилларини, ҳунармандчиликнинг 30 хил йўналишини билганим туфайли лойиҳани ўйла кўйиш қийин кечмади. У ҳалқаро мутахассислар томонидан ҳам илиқ кутуб олинди. Ҳозиргacha йигирмага яқин давлатда бўлдим. Грантлар кўлга киритдим. 2019 йилдан бошлаб тошкент шаҳрида шундай болалар учун тўғарак очдим.

Улар 6 ой давомида хунар ўрганиб, ўзлари ясаган ишларини онлайн бозорда сотишни ўйла кўйиб, 11 миллионгача даромад олиши. Ѐшлар ишлари агентлиги ҳамда Республика хунармандлар уюшмаси билан ҳамкорликда вилятларда ҳам бундай болажонларга тренинглар ўтказдик. Лойиҳа доирасиде қарийб 2 минг нафардан ортиқ бола қамраб олинди.

Буғунчага мен ҳаётдан чиқарган хунар ўзундай: барча ютукларнинг асоси – ҳаракат. Ҳар қандай ғояни амалга ошира бўлади. Факат ёзумга мақсад, интилиш бўлса, бас. Чунки дунё биз билан!

Ҳилоланинг сўзларини Дилноза АБДУХАМИДОВА ёзиб олди

Фикр

ИШЛАЙДИГАН ТАЛАБАЛАР

Улар қандай фойда кўриб, нималарни бой беришмоқда?



— Мен ишлайтан талабаларга кўп дуч келаман. Айримлари емакхонларда, бозилари савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилишибди. Шу боси бошча тенгешшарорига қарагандам камроқ дам олишиади, ҷароқ ҳиссина кўпроқ тулошади. Дарсда ухлаб қолиши ҳолатлари ҳам учраб турдаб. Бундай пайтларда улар билан самимий сұхбатлашиб, фойдалари маслаҳатлар бербид, керакли балл ўнисларни учун имкон туғдираламан. Лекин дарс қолдирисларини оқламайди. «Авеало, майгулотларга қатнашишини канда қилма, дарсларга вақтида кел. Чунки бу сенинг биринч галдаги вазифан. Ҳоҳласанг, ана ундан кейин ишга бор. Иложи бўлса, ўзинг танлашсан соҳа бўйича ишла», деб уқтираман.

Бундай дейшишим бежис эмас. Гап шундаки, ишлайсан талаба истайсизми-истамайсизми, асосий вазифасидан чалпид, сабоқларни яхши ўзлаштиромайди. Бу эса унверситетлар таёвлётган кадрлар сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам мен талаба, авлот, татлим олиши билан шуғулланшини, агар ишлайсан аэтихўя бўлса, ўз йўналишида ишланиши хоҳлайди.

Педагогнинг бу гапларидан сўнг ўзим ўқиётган Босма оммавий ахборот воститалари ва ноширилик иши факультетининг талабалари билан сўнгниб. Босма оммавий ахборот турмушга чиққач ёки йигитлар уйланган, оила ташвишилари кўпайди. Бундай вазиятда ўқишига имкон топломаслиги ўқитмодларноли эмас. Ёшларимиз буни тўпти тушуншиб, кўпроқ ўз устларидан ишлаласар, касблари сир-асорларини чукуроқ ўргансалар, жамият яхши ривожлашибди.

Мутахассислар хуласасига қаранди, бугун ишлайтган талаба тоғаётган дародом билан ўз мумалоларни вақтиналини ҳаётнишади. Кейинчалик ўз таъсирини кўрсатади. Бас, шундай экан, биз талабалар таълими олиши учун шароити яратаб берадик. Ишлашга мажбур бўлган тақдирларидан ҳам ўз йўналишилар, ўқиётган соҳалари бўйича фоалият юритилиши чораларни кўрайлик.

Зоро, жамиятнинг эртанини тараккиётли бугунги ёшларнинг билим ва салоҳиятига боғлиқ.

Мадина ПЎЛАТ қизи,
ЎзЖОКУ талабаси

Матонат

Мулоҳаза

ХАЛҚ МАҚОЛИНИ БУЗИБ АЙТМАЙЛИК

Яқинда Ўзбекистон Миллий универсiteti қошидаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсини тамомладим. Битирув иши ҳимоясида гап айланни, «Устоз отангдан улуғ» деган нақлга тақалди. Мен бу гунни кунда баъзи кишилар уни нотўғри қўллашаётганини айтдим. Бундай исботлашга қанчалик уринмай, ёши улуг аёл ўқитувчи жазавага тушib, фикрларимни рад эти. Ўзим ишлайдиган университетдаги машғулотим давомида ҳам айрим талабалар мақолнинг аслидан норози бўлишиди.

Ҳуш, нега? Устозларни отадан улуг деб таърифлашнинг нимаси ёмон?

Бу билан биз отамизни камситмаймиз-ку! Она тилини онага, устозни отага қиёслаш, шу мақомда улуглаш бирини иккисинадан устун кўйиш эмас-ку?

Тўғри, бизнинг дунёга келишимиз ва инсон бўлиб шакланишимизда отамизнинг ўрни бекиёс. У биз билан доимо сұхбатлашмас ҳам, бир нарсаларни ўргатишга вакт ажратолмаса ҳам ўз юриш-туриши, қийиниши, одоб-ахлоқи, одамларга муносабати билан бузга ўтакларни топдик.

Биринчидан, бу нақлни ҳаљ, яраттган. Унда мақолга хос бўрттириш ва тасаввур бор. Буни таникли адабиётшунос олим, филология фанлари номини Омонулла Мадаев. «Маданият ва маърифат» телеканалининг 2018 йил 17 апрелда эфирига узатилган «Фикрат» кўрсатувидаги жуда чиройли шарҳлаб берган.

Иккинчидан, Эркин Воҳидов «Сўз латофати» китобида шундай деб ёзди: «Ҳалқда «Меҳмон отангдан азиз», «Устоз отангдан улуг» деган ҳикмат бор. Бирор ақлии зот, отадан улуг, отадан азиз инсон бўлмайди, деб айтган чоғи, кейинги вактда «Меҳмон отангдан азиз», «Устоз отангдек улуг» дейши урф бўлди. Отадан улуг ва азиз кишининг йўқлиги ҳақиқат. Айнан шунинг учун ҳам бу ташбех ишлайди».

Учинчидан, бу фикр ўзбекистон музулмонлари идораси раси ўрбиносари Иброҳимжон Иномновининг «Ҳал, сўзи» газетасининг 2020 йил 29 сентябрь сонида чиқкан «Устоз отангдан улуг» мақоласида ҳам ўз ифодасини топган. Муаллифнинг таъқидашибиши, бу нақл бизга қадим-қадимда яшаган аждодларимиздан мерос бўлиб қолган. Демак, уни ўзгартиришга ва ўзимизда ҳўшимчалар кўшишига ҳақиқимиз йўқ. Қоловерса, муқаддас китобимиз Куръони Каримдаги дастлабки оят ҳам «Иқрар!» («Ўқиқ!») деб номланган.

Биз Каримберди Тўрамуродовнинг «Маърифат» газетаси 2019 йил 5 октябрьдаги сонида чоп этилган «Устоз отамиздек эмас, отамиздан улуг. Нега?» сарлавҳали мақоласини ўқиганимизда хуло-самиз тўғрилигига яна бир карра ишончлих ёхисидан.

Аслида ўзинда баҳсолашдиган ва қайта кашф қиладиган нарсаннинг ўз йўқ эди. Аммо айрим «билағон»лар мақонни ўзгартирилар. Сабаби – отадан улуг зот йўқ эмиш! Етимиша устоз ийғилиб, битта ота бўлолмаслиш! Ҳашанд «Қўйинг, мақонни бузмсан!» дейдиган мард топилади. Ана, оқибати: биз тенилар маколнинг тўғри, ёшлар эса бузилган вариантини ишлайтишади.

Хуласа ўрнида яна Эркин Воҳидовнинг «Сўз латофати»га муроҳаат қилдик: «Илм ҳам, ижод ҳам баҳс билан тирик. Маърифат излаган инсон хато қилишидан чўчимади. Маърифатли инсон бирорининг тозасидан кўлмайди. Билмасан гапирма, жим ўтирип, демайди. Хатони тузатади, ўз фикрини айтади. Хато қўйиган ҳам қизаруб-бўзармайди. Баҳс қилади, ё «фикрингиз маъқул», деб дейди.

Эътиқодхон ОТАҚУ